

## Кўриқлаш хизмати кўрсатиш бўйича ШАРТНОМА

Навоий шаҳри

68 -сон

«07» январь 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Навоий вилояти Кўриқлаш бошқармаси номидан Низом асосида фаолият юритувчи Н.Б.Ниязбеков (кейинги ўринларда «Ижрочи» деб юритилади) бир томондан Навоий вилоят “Она ва бола” маркази (кейинги ўринларда «Буюртмачи» деб юритилади) маркази номидан Низом асосида фаолият юритувчи директори М.И.Хамроева иккинчи томондан, биргаликда «Томонлар» деб юритилади, мазкур Шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар:

### 1-боб. Шартнома предмети

1.Ижрочи Кўриқлаш бошқармаси саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш марказидан (кейинги ўринларда ТҚМ деб юритилади) фойдаланган ҳолда **Буюртмачининг** мулкани кўриқлаш хизматини кўрсатиш мажбуриятини, **Буюртмачи** эса мазкур Шартнома шартларига асосан кўрсатилган хизмат учун тўловларни вақтида амалга ошириш мажбуриятини олади.

### 2-боб. Умумий шартлар

2.Буюртмачи: томондан Навоий шаҳар И.Сино кўчаси 27 уйда жойлашган Навоий вилоят “Она ва бола скрининг” маркази биносининг кириб чиқиш жойига хар куни 04-соатлик соат 23-00 дан 03-00 га қадар, Кўриқлаш бўлими ТҚМ га Ташвиш тугмаси орқали кўриқлаш учун Ижрочига топширади. Ижрочи қабул қилади.

3. Объектнинг кўриқлаш чегаралари (иморатлари, қурилмалари), постларининг (йўналишлари) жойлашуви чизма-режада кўрсатилади ва Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

4. Объектдаги кириш-чиқиш, ички объект режими Буюртмачи томонидан тасдиқланадиган кириш-чиқиш ва ички объект режимини ташкил этиш йўриқномасига мувофиқ амалга оширилади ҳамда мазкур Шартномага илова қилиниб унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

5. Объектни техник кўриқлаш воситалари билан ж ихозлаш ва таъмирлаш Буюртмачи томонидан амалга оширилади, техник кўриқлаш воситалари Ижрочининг айби билан ишдан чиққан ҳоллар бундан мустасно. Объектни ёнғиндан кўриқлаш ва хавф-хатар сигнализацияси билан жиҳозлаш чизмаси мазкур Шартномага илова қилинади ҳамда унинг ажралмас қисми ҳисобланади.

6. Объектни кўриқлашда Буюртмачи билан келишилган ҳолда соқчи итлардан фойдаланиш мумкин.

7. Мазкур Шартнома кучга кирган кундан бошлаб, объектда 90 иш куни ичида Куриқлаш бошқармаси саф бўлинмалари, ҳарбийлаштирилган ва соқчилик кўриқлаши кўринишида техник кўриқлаш маркази орқали кўриқлаш тури йўлга қўйилади.

Объектда соқчилик кўриқлаш тури ва ҳарбийлаштирилган кўриқлаш объектга 30 иш куни ичида йўлга қўйилади.

8. Буюртмачи кўздан кечириш далолатномасида кўрсатилган талабларни бажармаганда Ижрочи қўйилмайди, қўйилган Ижрочи эса чақириб олинади.

### 3-боб. Тўловларни амалга ошириш

9. Мазкур Шартнома асосида кўрсатиладиган хизматлар нархи белгиланган тарифларга мос ҳолда қуйидагича ҳисобланади:

кўриқлаш хизмати ТҚМ орқали ойига кўрсатилган хизмат учун 411217 сўм этиб белгиланади,

9.1 Мазкур шартнома буйича курсатиладиган хизмат нархи жорий йилнинг 1-чораги учун ўрнатилган таъриф асосида ҳисоб-смета буйича 1.233.651 сўмни ташкил этиб, (қолган 2-3-4-чорақлари учун харажатлар шартномага қўшимча келишув битими билан тасдиқланади) шартноманинг ажралмас қисми бўлган ҳисоб-сметасида ҳисоблаб курсатилади. «Кўриқлаш» хизмати нархи, энг кам ойлик маошларининг узгариши сабабли «Куриқлаш» хизмати учун янги таърифлар киритилганда қайта куриб чиқилади.

10. Ижрочи хизматлари учун тўловларга ўзгартиришлар киритиш қонун ҳужжатларига мувофиқ ушбу хизматлар турига янги тарифлар тасдиқланган ҳолларда қайта кўриб чиқилади.

11. Буюртмачи мазкур Шартнома имзоланган кундан бошлаб, 3 кун ичида мазкур Шартнома баҳосининг 15 фоизи миқдорида аванс тўловини амалга оширади.

Ижрочи томонидан Буюртмачига бажарилган ишлар тўғрисида далолатнома тақдим қилингандан сўнг Буюртмачи беш кун ичида аванс тўловини чиқариб ташлаган ҳолда ойлик тўловни амалга оширади.

Буюртмачи бюджет ташкилоти ёки бюджет маблағлари олувчи бўлса, ойлик тўловнинг 100 фоизи миқдорида аванс тўловини кейинги ой бошланишидан 10 кун олдин амалга оширади.